



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 2 ноябрь, № 227 (7185)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ДУНЁ НИГОҲИ



Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари:

«Ўзбекистон ўзгармоқда, у билан бирга бутун Марказий Осиё ўзгармоқда»

Мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган янгиликларга Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари ва экспертлари ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.



Хусусан, ишбилармонлар орасида машҳур “India Blooms” газетасининг биринчи саҳифаси жорий йил 19 — 21 ноябрь кунлари Тошкентда ўтказиладиган Туризм соҳасида биринчи халқаро инвестицион форумга бағишланди. Ушбу мавзуга доир мақолаларда таъкидланганидек, тадбирда ўзбек ва хорижий сайёҳлик компаниялари, етакчи экспертлар ҳамда мутахассислар иштирок этиши кутилмоқда.

Газета ҳиндистонлик тадбиркорларни форумда қатнашишга чорлар экан, шундай маълум қилади:

“Тошкент форуми сизга жадал сўрғатлар билан ўсиб бораётган Ўзбекистоннинг сармоявий салоҳиятини ўз кўзингиз билан кўриш имконини беради. Республикада амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишиб, маҳаллий бизнес субъектлари билан музокаралар ўтказиш ҳамда шартномалар имзолашингиз мумкин”.

Ўзбекистонда яқинда “Чорвоқ” эркин туристик зонаси, “Samarkand city” ва “Қадирий Бухоро” туризм зоналари ташкил этилгани эътиборга олинади, анжуман қатнашчилари ушбу ҳудудларга таширф буюришлари айтилади.

Деҳли университети профессори Сканд Ранжан Таялнинг фикрича, Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида фаолият бошлаганидан сўнг Ўзбекистондаги иқтисодий ҳаётнинг салмоқли даражада либераллашувига олиб келди. Бу, ўз навбатида, республиканинг халқаро майдондаги нуфузи ортишига хизмат қилиб, натижада кўплаб етакчи давлатлар Ўзбекистон билан дўстона алоқаларни ривожлантиришга интиломоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг яқинда Ҳиндистонга амалга оширган давлат таширифи ушбу фикрни яққол тасдиқлайди, дейди мутахассис.

“Ўзбекистон раҳбарининг Ҳиндистонга таширифи узок кутилган ва жиддий тайёргарлик кўрилган воқеа бўлди, — дея ўз фикри билан ўртоқлашади профессор. — Зеро, Нью-Дехли Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон ва Марказий Осиёда кечаётган жараёнларни диққат билан кузатмоқда. Ўзбек дипломатияси фаоллашиб, республикага қизиқиш тобора ортиб бораётган бир пайтда Ҳиндистон ушбу жараёндан четда қолиб кетмаслиги лозимлигини яхши англайди. Шу сабабли Нарендра Модии Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистонга давлат таширифи билан келишни таклиф қилди ва сермахсул музокаралар ўтказди”.

Ўз навбатида, Жаҳоҳарлал Неру университети ҳузуридаги Россия ва Марказий Осиёни ўрганиш маркази эксперти Ражан Кумар

куйидаги фикрларни билдирди:

“Ўзбекистон — минтақанинг энг муҳим давлати. Республика иқтисодий, демографик, ҳарбий жиҳатдан кучли бўлиб, дунёда вазиёт тез ўзгараётган, глобал ва минтақавий даражада рақобат кучаяётган бир пайтда Нью-Дехли учун керакли ва ишончли шерик бўлиб қолмоқда. Айниқса, Шавкат Мирзиёев бошлаб берган Афғонистон билан “позитив ва интенсив мулоқот” сиёсати ушбу мамлакатда тинчлик ўрнатиш бўйича Ҳиндистон амалга ошираётган чора-тадбирларга катта ёрдам беради”.

“Outlook India” журналида чоп этилган йирик мақола Ўзбекистонда атом энергетикаси соҳаси тараққиётининг истиқболларига бағишланган.



Нашрда энергетика бўйича мутахассисларнинг баҳоларига суянган ҳолда, бугунги кунда бутун дунёда аҳоли сони ортиб, энергия манбалари камайиб бораётгани, натижада уларнинг нархи изчил тарзда ўсаяётгани таъкидланади.

“Сув, қўмир, нефть сингари табиий бойликларнинг захираси чексиз эмас, техника тараққиёти эса кун эмас, соат сайин илгарилаб бормоқда, — дея хабар қилинади журналда. — Аммо электр энергиясизис ҳеч бир асбоб-ускуна ишламайди. Шу сабабли дунёнинг етакчи давлатлари атом энергетикасини “келажақ энергияси” сифатида кўриб, уни ривожлантираётди. Ўзбекистон ҳам ушбу давлатлар сафидан жой олмоқда”.

“Outlook India” нашрида қайд этилишича, республикада россиялик мутахассислар иштирокида қурилиши кутилаётган АЭС нафақат Ўзбекистоннинг яқин эллик йилдаги энергия эҳтиёжларини қоплаш имконини беради, балки чет давлатлар, энг аввало, қўшни мамлакатларга уни экспорт қилишга шaroит яратди.

“The Hindu” газетасида чоп этилган мақолада журналист Сухасини Хайдар “Ўзбекистон ўзгармоқда, у билан бирга бутун Марказий Осиё ўзгармоқда” дея фикр билдиради.

ШҲТ МАТТНИНГ «ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ — ЧЕГАРА БИЛМАС ҲАМКОРЛИК» МАВЗУИДАГИ ОЛТИНЧИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Тошкентда 31 октябрь — 1 ноябрь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси томонидан «Терроризмга қарши кураш — чегара билмас ҳамкорлик» мавзuida олтинчи халқаро конференция ўтказилди.

Унда ШҲТга аъзо, кузатувчи ва мулоқот бўйича шерик мамлакатлар делегациялари, халқаро ташкилотлар — БМТнинг махсус тузилмалари, ШҲТ Котибияти, МДХ тармоқ бўйича ҳамкорлик органи (Чегара қўшинлари қўмондонлиги кенгашининг Мувофиқлаштирувчи хизмати), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Интерпол, Халқаро Қизил Хоч қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегия ва минтақалараро тадқиқотлар институти ва бошқа қатор ташкилотлар, илмий-тадқиқот марказлари вакиллари қатнашди.

Конференцияда иштирокчилар глобал ва минтақавий микёсда халқаро

терроризм ҳамда экстремизмга қарши курашнинг ҳозирги ҳолати, динамика ва тенденциялари хусусида фикр алмашди. Дунё ҳамжамияти ривожланишда кескин бурилиш босқичини бошдан кечириётгани ва бу жараёнда қатор минтақаларда террористик хавф-хатар ҳамда низолар кучайиб бораётгани қайд этилди. Қатнашчилар ҳар қандай қўринишдаги терроризмни қоралаши ва халқаро терроризмга қарши кураш ва аксилтеррор ҳамкорлик БМТ Низоми таъминлайди, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига қатъий амал қилиб, вазиятни сиёсийлаштирмасдан, иккиланган стандартлардан фойдаланмаган ҳолда амалга оши-

рилиши, бу жараёнда БМТ ва унинг Хавфсизлик Кенгаши марказий мувофиқлаштирувчи бўлиши кераклигини таъкидлади.

Қатор минтақалар, биринчи навбатда, Яқин Шарқ ва Афғонистонда вазиятнинг кескинлашиши билан боғлиқ янги хавф-хатарлар юзга келаётгани қайд этилди. Терроризм ва экстремизмга қарши курашни рўқач қилган ҳолда, бошқа давлатларнинг ички ишларига араллашишга йўл қўймаслик, шунингдек, террористик ва экстремистик гуруҳлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш ёқланмаслиги таъкидлаб ўтилди.

«Исломот давлати» деб номланувчи халқаро террорчилик ташкилоти томонидан Европа, Марказий ва Жануби-Шарқий Осиёда терроризм ўчоқларини яратиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётганига эътибор қаратилди.



Ўзбекистон — Европа иттифоқи:

Самарали мулоқот ўзаро муносабатларни чуқурлаштиришга хизмат қиялпти

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Ўзбекистон — Европа иттифоқи” парламент ҳамкорлиги қўмитасининг ўн тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ҳамда Қонунчилик палатаси депутатлари, Европа парламенти депутатлари, шунингдек, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.



Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Мажлисида Олий Мажлис ва Европа парламенти ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ҳамда истиқболлари, ўзаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари атрофида муҳокама этилди. Мамлакатимизда турли соҳаларда олиб борилаётган иқтисодий ҳужжатларни яхшилаш, Ўзбекистонда ишлаб чиқаришдан ва етиштирилган маҳсулотларни Европа бозорларига йўналтиришга оид масалалар

ўртага ташланди. Айниқса, бунга шароит яратадиган транспорт ва инфраструктура лойиҳаларини амалга ошириш, экология ва сув ресурсларини бошқариш, чекка ҳудудлар ҳамда экологик барқарор қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга оид амалий ташаббуслар бора-сида сўз юритилди.

Тадбир доирасида халқаро ва минтақавий хавфсизликнинг айрим жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди. Терроризм, уюшган жиноят-

чилик ва наркотрафикка қарши курашиш, Афғонистондаги вазият, Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатда тинчлик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини қўллаб-қувватлаш юзасидан олиб бораётган сазй-ҳаракатлари юқори баҳоланди. Европа делегацияси Афғонистонни иқтисодий тиклашга қаратилган Ўзбекистон лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни билдирди.



Ижтимоий фикр

Фуқароларимиз Конституциямизни қай даражада билади?

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, навбатдаги социологик сўров ўтказилди.

Шу асосда ҳамюртларимизнинг Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёндаридан хабардорлик даражаси аниқланди, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларга оид фикрлари ўрганилди.

Ушбу тадқиқот юртимизнинг барча ҳудудидида ташкил этилиб, унда шахар ва қишлоқларда яшовчи аҳоли, турли ёш вакиллари, таълим даражаси ҳамда касбга эга бўлган эркак ва аёллар қатнашди.



Эксклюзив интервью

Тошкентда бўлиб ўтган “Ўзбекистон — Европа иттифоқи” парламент ҳамкорлиги қўмитасининг ўн тўртинчи мажлиси доирасида Европарламентнинг Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон билан алоқалар бўйича делегацияси раҳбари Ивета Григуле-Петерсе парламентлараро ҳамкорликнинг ривожланиши, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида ўз фикрларини билдирди.



Ивета ГРИГУЛЕ-ПЕТЕРСЕ:

«Ўзбекистон дунёга янги жиҳати билан очилмоқда»

— Европарламент ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида гапирганда, у жадал фаоллашиб, кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Европа иттифоқи ва Европарламентнинг мамлакатингизга нисбатан муносабати илқ ҳамда дўстонадир. Ўтган йилларда барча, жумладан, таълим, ижтимоий ҳимоя, қишлоқ ҳўжалиги, ҳудудий ривожланиш соҳаларида кўплаб лойиҳалар рўйга чиқарилди. Улар яқин йилларга мўлжалланган ҳамкорлигимизнинг устувор йўналишлари бўлиб қолади.

Мажлисининг бугунги мавзуси жуда кенг ва кўплаб масалаларни қамраб олган. Жумладан, тараққиётнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатлари, Европа иттифоқи ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро алоқалар рақнаки кўриб чиқилди. Транспорт инфраструктураларини ривожлантириш, атропо-муҳит муҳофазаси соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш диққат марказда бўлди. Инсон ҳуқуқлари, ижтимоий ҳимоя, таълим, соғлиқни сақлаш масалалари ҳам шулар сирасидандир. Мазкур учрашувлар шуниси билан муҳимки, улар вазият билан ҳойида танишиш, фикрлар ва қарашларнинг аниқ йўналишларидан хабардор бўлиш имконини беради. Бу хориж экспертлари учун ҳам жуда фойдалидир. Бундай мулоқотлар қанча кўп бўлса, минтақалар ва мамлакатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар

алоқалар шунчалик мустаҳкамлашиб бораверади. Бундан ташқари, парламентлараро мулоқот ғоялар ва технологияларнинг самарали алмашинувиغا хизмат қилади. Бу борада ўзбек халқига хос ноёб институт — маҳалла ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни истардим. Фуқаролар ўзини ўзи бошқаришнинг мазкур бекиёс тузилмаси тарихи билан танишиш европалик касбдошларимиз учун жуда фойдали бўлади.

Бугун Ўзбекистонда қисқа муддат ичида нафақат мамлакат, балки минтақадаги сиёсий-иқтисодий манзарани ижобий томонга ўзгартираётган сезиларли ўзгаришлар рўй берапти. Мамлакат дунёга янги жиҳати билан очилмоқда, Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги кўп томонлама кооперацияни кучайтиришга қаратилган муҳим қарорларни бевосита илгари сураётди. Мазкур ташаббуслар ҳам минтақа бўйича қўшниларда, ҳам бошқа мамлакатлар, хусусан, Европа иттифоқи давлатлари томонидан қўллаб-қувватланапти. Ушбу вазифаларнинг ҳаёта татбиқ этилиши эса энг асосийсидир.

Ўзаро алоқаларимиз бизнинг умумий қадриятларимиз ҳамда мақсадларимизга асосланади. Улар эса одамларнинг яхши яшашларига эришишга қаратилгандир.

Санджон МАХСУМОВ
ёзиб олди.

Ўзбекистон — Европа иттифоқи:

Самарали мулоқот ўзаро муносабатларни чуқурлаштиришга хизмат қиляпти

1➡

Парламент даражасидаги сиёсий мулоқот Парламент ҳамкорлиги кўмитаси доирасида муваффақиятли амалга оширилмоқда. Кўмита 1999 йил 1 июлдан эътиборан фаолият кўрсатяпти. Ўтган даврда у нафақат Олий Мажлис ва Европа парламенти ҳамкорлигини, балки ўзини Ўзбекистон — Европа муносабатларини кучайтиришнинг муҳим механизми сифатида намоён эта олди.

Европа парламенти депутатларига Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар ҳақида ахборот тақдим қилинди.

Халқаро экспертларнинг эътироф этишича, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзаро самарали ва амалий ташқи сиёсат халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланяпти. Мамлакатимизнинг Европа иттифоқи билан фаол ривожланиётган ҳамкорлиги, шу жумладан, парламентлараро мулоқот томонларнинг алоқаларни чуқурлаштириш, амалий ҳамкорлиқни

ривожлантириш ва турли соҳаларда тажриба алмашишда ўзаро манфаатдорликка асосланади.

— Европа иттифоқи бугун Ўзбекистонда кечаётган барча соҳадаги ислохотларни мамнуният билан кузатмоқда, — дейди Европа парламенти аъзоси Андрей Мамикин. — Мамлакатда ҳукм сураётган барқарорлик ҳамда тинчлик муваффақиятли бизнес ва савдо алоқаларини йўлга қўйиш учун жуда муҳим кўрсаткичдир. Айниқса, фуқароларнинг мамлакат тақдирига оид муҳим сиёсий қарорларни қабул қилишдаги иштироки сўнгги пайтларда анча кучайганини алоҳида таъкидлаш лозим. Буни Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда эришилган катта ютуқлардан бири сифатида, деб баҳолаш мумкин.

Мажлис якунида кўрилган масалалар юзасидан тегишли хулосалар қилинди ва кейинги йилгилиш кун тартибига оид тақлифлар ўрганилди.

Тадбир доирасида Европа парламенти вакилларида иборат делегация аъзолари пойтахтимиздаги Турин поли-



техника университети фаолияти ҳамда диққатга сазовор жойлар билан танишди. Ўртимизда ёшлар тарбияси, маданий меросни асраб-авайлаш, уни тар-

ғиб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Муниҳон КАРИМОВА.

Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари:

«Ўзбекистон ўзгармоқда, у билан бирга бутун Марказий Осиё ўзгармоқда»

1➡

“Тўз ўзгаришлар инқилобсиз ҳам содир бўлиши мумкин. Ўзбекистон бунга яққол мисолдир, — деб ёзади шарҳловчи. — Шавкат Мирзиёев 2016 йили давлат раҳбари лавозимига сайланган, жадал ислохотларни бошлади.

Оширганини ёзади. Қўшни давлатлар билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ўзбек дипломатиясининг диққат марказида бўлди.

“Президент Мирзиёев Марказий Осиёнинг ҳар бир мамлакатига ташриф буюрди. Чегаралар бўйича музо-

каралар тикланди, кўплаб бахсли масалалар ҳал этилди. Унинг Пекин, Сеул, Москва, Вашингтон, Нью-Дехли, Парижга ташрифлари

эса расмий Тошкентнинг халқро майдондаги обрў-эътибори оқсалишига хизмат қилди. Афғонистонга нисбатан сиёсатини мутлақо ўзгартириб, Ўзбекистон энди ушбу мамлакатга ҳамкорлик учун имкониятлар манбаи сифатида қарамоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳукумати Афғонистон ҳукумати ва “Толибон” ҳаракати ўртасида тўғридан-тўғри тинч музокаралар ўтказиш учун майдон тақдим этишга тайёрлигини билдирди.

Виза тартибининг соддалаштирилиши, валюта ва божхона соҳаларининг либераллаштирилиши, С. Ҳайдарнинг фикрича, мамлакатга сайёҳлар ва хорижий сармоялар оқими кенгайиши учун мустаҳкам пойдевор яратди. Бу республика аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил қиладиган ёшлар учун минглаб иш ўринлари яратиш имконини беради.

Анвар МИРЗАЕВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.



Хушхабар

«АЭРОФЛОТ» САМОЛЁТИ Бухорога илк парвозни амалга оширди

Россия Федерациясининг “Аэрофлот” авиакомпанияси Москва — Бухоро йўналишида илк парвозини амалга оширди. Бортда 157 нафар йўловчи бўлган ҳаво лайнери 1 ноябрь тонгида “Бухоро” халқаро аэропортига келиб қўнди.

— Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда бу лойиҳани рўёбга чиқарганимиздан мамнунмиз, — дейди “Аэрофлот” авиакомпанияси вакили Владимир Хижняк. — Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, маданий соҳалардаги алоқалар янги босқичга кўтариляпти. Ўртингизга қизиқиш тобора кучаймоқда. Хусусан, бир қатор давлатлар фуқаролари учун визасиз ки-

риш тартибининг жорий этилгани Тошкент, Самарқанд, Бухоро сингари бой тарихга эга шаҳарларни томоша қилиш истагидидаги кишиларга янги имкониятлар эшигини очди. Йўловчиларимиз сафида нафақат россиялик сайёҳ тадбиркорлар, балки Европанинг бир қатор давлатлари фуқаролари ҳам борлигини шу билан изоҳлаш мумкин.

“Аэрофлот” ҳафтасига икки бор Москва

— Бухоро, Бухоро — Москва йўналишида авиақатновларни йўлга қўйди.

— Бир қатор авиакомпаниялар билан ҳамкорликда ишлаб, йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиб келямиз, — дейди “Бухоро” халқаро аэропорти директори Т. Бахронов. — Улар сафига “Аэрофлот” ҳам қўшилгани айнаи мудоа бўлди. Негаки, у дунёнинг йирик авиакомпанияларидан биридир.

Бухорода мазкур авиакомпаниянинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси филиали очилди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ГЕРМАНИЯ БУНДЕСТАГИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING УЧРАШУВЛАРИ

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида 1 ноябрь куни Германия Бундестагининг “ГФР — Марказий Осиё” парламент гуруҳи раиси Манфред Грунд бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А. Саидов мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш миллий тизими яратилгани ва уни тизимли равишда рўёбга чиқариш юзасидан изчил ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Учрашувда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг жорий йил май ойида Женевада ўтказилган 39-сессиясида Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятлари баҳарлиши юзасидан тақдим этган миллий маърузасидаги масалалар, юртимиздаги суд-ҳуқуқ тизими, давлат

бошқаруви органларининг вояга етмаганларни ноқонуний меҳнатдаги фаолияти, ҳукумат ва фуқаролар ўртасида мулоқотни амалга оширишнинг янги тизими йўлга қўйилгани, сўз ва фикр эркинлигини таъминлаш борасидаги ислохотлар хусусида сўз юритилди.

— Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистонда юритилаётган ташқи сиёсат эътирофга лойиқ, — деди делегация раҳбари Манфред Грунд. — Хусусан, Германия билан турли соҳаларда ҳамкорлик кенгаётгани, ишбилармонларимиз мамлакатингиз бозорига киришга қизиқиш

билдираётгани ўзаро муносабатлар ривожланиб бораётганидан далолат. Ушбу алоқалар сиёсий соҳада ҳам изчиллик касб этиб бормоқда.

Сўхбат чоғида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда эришилаётган ютуқлар билан бирга, суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, бу борада ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, соҳа вакиллари ўртасида тажриба алмашишни тизимли йўлга қўйиш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори В. Норов билан учрашувда Ўзбекистон ва Германия муносабатлари сўнгги йилларда ижтимоий-сиёсий, сав-

до-иқтисодий соҳаларда ривожланиб бораётгани қайд этилди.

Мулоқотда икки томонлама ҳамкорлиқни фан-техника, машинасозлик, инновацион лойиҳалар, олий таълим тизими, парламентлараро муносабатлар соҳаларида янада ривожлантиришга доир долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни “ГФР — Марказий Осиё” парламент гуруҳи делегацияси Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида бўлиб, ижтимоий ҳаётда хотин-қизларнинг ролини ошириш борасидаги ишлар билан танишди, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети раҳбарияти ҳамда талабалар билан учрашди.

Зухра МИРЗАБОВАЕВА,
ЎЗА мухбири.

Депутат фикри

Фидойилик ҳар қачонгидан муҳим

Президентимиз томонидан жорий йилда Давлат бюджетининг қўйилаётган ижроси, 2019 йилга мўлжалланган макроиқтисодий кўрсаткичлар, бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йиғилишда долзарб масалалар ўртага ташланди.

Уларни таҳлил қилар эканмиз, 2018 йилга мўлжалланган Давлат бюджетини ишлаб чиқишда ва шакллантиришда ислохотларни янада чуқурлаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлида ғов бўлиб турган муаммоларни ечиш, мамлакат салоҳиятидан самарали фойдаланиш, мавжуд захира ва имкониятларни сафарбар этиш ҳамда аҳоли фаровонлигини юксалтиришга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилгани диққатга сазовор. Бюджетномада давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ғоялар ва устувор вазибалар инobatга олинган, ташқи хавф-хатарлар ҳисоб-китоб қилинган.

Айниқса, валюта ва нарх сиёсатининг эркинлашуви,

солиқ маъмуриятчилигини яхшилаш, солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш борасида жиддий ўзгариш ва янгиликларнинг рўёбга чиқарилиши, қишлоқ ҳўжалигида ҳисоб-китобларнинг тартибга солиниши, капитал қўйилмаларнинг ошishi бюджет даромадлари кўпайишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Буни йиғилишда келтирилган рақамлар ҳам яққол тасдиқлайди. Жумладан, жорий йил якуни бўйича Давлат бюджетни даромадлари 74,5 триллион сўм, харажатлари эса 78,5 триллион сўмни ташкил этиши қўйлаёттир. Бюджет харажатларининг ўзи 2017 йилдагига нисбатан 60 фоиз ёки 29 триллион сўмга ортгани мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, ҳудудларни жадал ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда яна бир муҳим масала хусусида тўхталиб ўтиш жоиз. Бюджет соҳаси ҳодимлари иш ҳақи, пенсия ва нафақаларини инфляция кўрсаткичидан юқори миқдорда оширишга эришилгани эътиборга молик. Мисол учун, тарбиячилар, ўқитувчилар, илмий ҳодимлар, профессор-ўқитувчилар, маданият ҳодимларининг иш ҳақи 30 фоиздан 100 фоизгача оширилди. Бюджет харажатларини режалаштириш ва амалга оширишда аққа-ёлғиз нурунийларга, кам таъминланган, турмуши оғир ва кўп болили оилаларга ҳамда ногиронлигига бўлган шахсларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, хусусан, уларни уй-жой билан таъминлаш, моддий таъминотини янада яхшилашга

оид савобли ишларга катта аҳамият қаратилгани эътирофга лойиқ.

2018 йилга мўлжалланган Давлат бюджетининг мутлақо янги талаблар асосида шакллантирилгани, унинг ижросини таъминлаш ва назорат қилиш такомиллаштирилганини халқимиз бугун ўзининг яшаш шароитлари янги даражага кўтарилаётганида ҳам яққол кўрмоқда. Ҳаёт даражасини белгилайдиган уй-жойларга ва сифатли истеъмол товарларига эга бўлиш билан бирга, уларнинг замонавий талаблар асосида таълим олиш ва маълумоти тиббий хизматлардан баҳраманд бўлиш каби орзуларни рўёбга чиқаяпти.

Юқоридагилар билан бир қаторда, жорий йилда асосий эътибор ҳудудларнинг ресурс салоҳиятидан унумли ва самарали фойдаланиш, мавжуд имконият ва резервларни тўла ишга солиш, маҳаллий бюджетлар даромадларининг ортишига, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, улар раҳбарларининг молиявий масалаларда мустақиллигини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар бажарилди. Натижада ҳокимлар, соҳа ва тармоқлар раҳбарларининг имконияти кенгайди. Бу йил маҳаллий бюджетлар истиҳорида 5,5 триллион сўм ёки ўтган йилдагига нисбатан 6 баробар кўп маблағ қўйиш қўйлаётгани эндиликда ҳар бир ҳудуд ўз даромадидан манфаат қўришини англатади.

Шу билан бирга, бугунги кунга келиб маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва улар раҳбарларига ҳалол, фидойи бўлиб ишлаши учун Президентимиз ташаббуси билан ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий шароитлар — уй-жой, хизмат машинаси, ойлик маош ва рағбатлар, умуман, кўп қўлайликлар мўҳайё қилинди. Энди давлат раҳбари илгари сураётган долзарб масалалар ва устувор вазибаларни муваффақиятли рўёбга чиқаришда шижоат, юксак масъулият билан ташаббус кўрсатиб ишлаш талаб этилади ҳолос. Ишончимиз комилки, бундай эътиборга муносиб фаоллик халқимизнинг турмушини фаровон қилишда, ҳар бир ҳудудимизни обод қўйишга айлантиришда мўҳим аҳамият касб этади.

Абдурашид ТўХТАБОВЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Изланиш

Урганч шаҳрида фаолият юритиётган “ЎзБелАгроماش” Ўзбекистон — Беларусь қўшма корхонасида қишлоқ ҳўжалиги учун 15 турдаги техника ва механизмлар ишлаб чиқаришмоқда. Ушбу маҳсулотлар шу пайтгача лизинг асосида мамлакатимиз фермерларига етказиб берилган бўлса, эндиликда Қозоғистон, Туркменистон ва Қирғизистонга экспорт қилиш бўйича муҳим келишувларга эришилди.

Экспорт ҳажми

Кўпаядими?

— Ўзбекистон ва Беларусь Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилувчи қатор ҳўжжатлар имзолангани инвестициявий ҳамкорлик ва саноат кооперациясини кучайтириш учун кенг йўл очди, — дейди “ЎзБелАгроماش” масъулияти чекланган жамияти директори Журьят Отажонов. — Айниқса, ўзаро маҳсулот етказиб бериш жараёнида божхона расмийлаштирувнинг “яшил йўлак” деб аталувчи соддалаштирилган механизми тақлиф этилиши тадбиркорларнинг айнаи дилидаги гап бўлди.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини янада кўпайтириш, экспорт ҳажмини ошириш режалаштирилган.

Одилбек ОДАМБОВЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

1➡

Сурия Араб Республикасидаги терроризм ўчоқларини йўқ қилиш асносида ўз юртига қайтарилаётган жангари-террорчиларга қарши кураш муаммоси долзарб аҳамият касб этиб, бу ўз вақтида маълумот алмашиш ва юқорида қайд этилган тоифага мансуб кишиларга нисбатан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларида халқаро ҳамкорлиқни фаоллаштиришни талаб этади, деган яқдид фикрга келинди.

Афғонистоннинг чегараолди вилоятларида ақсарияти ШХТга аъзо давлат-

лар фуқаролари, жумладан, Яқин Шарқдаги жанговар ҳаракатларда иштирок этган жангарилардан иборат «Ислон давлати» халқаро террорчилик ташиклоти аъзолари тўпланаётгани ташвиш уйғотмоқда. Иштирокчилар Афғонистоннинг терроризмга қарши кураш бўйича саъй-ҳаракатларига қўмаклашишга тайёрлик билдириб, афғон халқининг ўзи томонидан мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши бутун минтақада хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Интернет тармоғидан террористик ва экстремистик мақсадларда фойдаланишга қарши кураш бўйича тажриба

алмашилди. Интернет орқали террористик ва экстремистик мафкура тарғиботининг олдини олиш, бу иллатларга даъват қилиш, шунингдек, одам ёллашга қарши халқаро ҳамкорлиқни такомиллаштириш зарурати қайд этилди.

Конференцияда терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди. Барча давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан БМТ Бош Ассамблеяси, БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциялари ва Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳнинг халқаро стандартлари

ижроси бўйича амалга оширилаётган ишларни янада такомиллаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўз вақтида ахборот алмашиш, террористларни излаб топиш, чегараолди ҳудудларда назоратни кучайтириш, антитеррор бўлиммалари учун кадрлар тайёрлаш, аксилтеррор ўқув машғулотлари ўтказиш, бу борадаги халқаро ҳамкорлиқнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш тақлиф этилди.

Яққол трансмиллий тус олган терроризм фаолиятига бораётган шароитда мазкур конференциянинг ўтказилиши дунё ҳамжамияти саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ҳамда терроризм

ва экстремизмга қарши кураш соҳасидаги халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Алоҳида сессия доирасида Халқаро Қизил Хон кўмитасининг аксилтеррор фаолиятни амалга ошириш жараёнида халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларига риоя қилишни таъминлаш масалаларига бағишланган тақдироти бўлиб ўтди.

Конференция иштирокчилари анжуман юксак даражада ташкил қилинганини эътироф этиб, ШХТ МАТТ Ижроия кўмитасига яратилган қўлай иш шароити учун миннатдорлик билдирди.

ЎЗА.

ФУҚАРОЛАРИМИЗ КОНСТИТУЦИЯМИЗНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА БИЛАДИ?



Юртимизда Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган чора-тадбирлар изчиллик ва қатъийлик билан олиб бориляпти. Сўровда билдирилган муносабатларда ана шу ишончли қараш ўзининг яққол ифодасини топди. Мамлакатда қонун устуворлиги ва ҳуқуқий тартибни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва профилактика тадбирлари самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш фаолиятида суд ҳокимияти роли кенгайтирилмоқда. Ҳаётимизда суд нуфузи ва мустақиллиги мустаҳкамланиб, коррупцияга қарши курашиш кучайтиралаётир. Соҳадаги ўзгаришлардан қўзланган асосий мақсад ҳам шу аслида. Респондентлар бунинг жуда муҳим эканлигини яхши тушунишди.

Ижтимоий тадқиқот чоғида маълум бўлдики, суд-ҳуқуқ ислохотлари давлат ва жамият ҳаётини янгилаш жараёнларига янада чуқур кириб бормоқда. Бу борада ижобий ютуқларга эришилганди ва яқин йиллар ичида уларнинг сони кўпайиши, шубҳасиз. Иштирокчиларнинг фикри шундай.

Сўров давомида ҳам фуқароларда ҳуқуқлари бузилиши, қонуний манфаатлари чекланиши каби турли кўринишдаги таъхирлардан ҳимояланганлик даражаси юксак эканлиги яққол намоён бўлди. Зеро, сўровда қатнашганларнинг 94,5 фоизи шу бўйича собит

фикрга эга эканлиги тасдиқланди. 2017-2018 йиллардаги тадқиқотлар натижалари мониторинг-да ушбу кўрсаткич барқарор равишда ўсиб бораётгани ҳам алоҳида диққатга сазовордир.

Ўзбекистон аҳолисининг мутлақ кўпчилиги эътироф этганидек, одамларнинг асосий ҳуқуқлари давлат муҳофазасида, қонун устуворлиги таъминланган, инсон қадр-қиммати ҳимояси қафолатланган, барча учун таълим олиш, меҳнат қилиш, оила қуриш, малака тиббий хизматдан фойдаланиш, виждон эркинлиги, миллий қадриятлар ҳамда урф-одатларга риоя этиш имкониятлари, ҳусусий мулкка эга бўлиш бўйича тенг ҳуқуқлар яратиб берилган.

Хусусан, жамиятда қонун устуворлиги, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва ижтимоий адолат мезонлари сўзсиз рўйбга чиқарилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари муҳим роль ўйнамоқда. Бунга тадқиқот иштирокчиларининг ақсарияти (72,5 фоиз) тўхталиб ўтган. Чунки улар ўз ҳуқуқларига тўсиқ қўйилган ҳолатларда Халқ қабулхоналарига мурожаат этишган ҳамда тегишли кўмак олишган. Фуқароларнинг фикрича, маъмур миллий институт қисқа вақт ичида оддий одамлар манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячисига, халқчиллик ва қонунийлик тисмолига айланди.

Тадқиқот давомида респондентларнинг 59,4 фоизи ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган пайтларда ўзлари истиқомат қиладиган маҳалла фуқаролар йиғинларига мурожаат этгани маълум бўлди.

Юртдошларимизнинг 66,4 фоизи Асосий Қонунимизни ўқиганини, унинг мазмун-моҳиятидан хабардор эканлигини билдирган.

ликка қатъий амал қилиш ва қонунларни ҳурмат қилиш аҳамиятини янада ошириш учун яна нима қилиш керак?” деган саволга ҳам жавоб қайтаришди.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, ҳар қандай қонун бузилиши ҳолатига мурасасизлик муҳитини вужудга келтириш, давлат томонидан фуқаролар ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига

циал даражасидан қатъи назар, сўнгги пайтларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган ислохотлар амалга оширилаётганига урғу берган. Бу эса жамиятда ижтимоий адолат, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон аҳолисининг мутлақ кўпчилиги эътироф этиб ўтганидек, одамларнинг асосий ҳуқуқлари давлат муҳофазасида, қонун устуворлиги таъминланган, инсон қадр-қиммати ҳимояси қафолатланган, барча учун таълим олиш, меҳнат қилиш, оила қуриш, малака тиббий хизматдан фойдаланиш, виждон эркинлиги, миллий қадриятлар ҳамда урф-одатларга риоя этиш имкониятлари, ҳусусий мулкка эга бўлиш бўйича тенг ҳуқуқлар яратиб берилган.



Уларнинг кўпчилиги олий маълумот эгалари, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ва талабалардир. Бироқ сўровда қатнашганларнинг 31,6 фоизи Конституциямиз матни билан яқиндан таниш эмасликлари ҳам аён бўлди.

Фуқаролар мамлакатимизда конституциявий қонунчилик замонавий талаблар ҳамда адолат соҳасидаги халқроқ таъминланган асосда такомиллаштириб борилаётгани, шу асосда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар ривожини ўзида ифода қилган янги институтлар пайдо бўлаётганини таъкидлаб ўттиди. Респондентлар “Жамиятда қонуний-

дахлдор қарорларни қабул қилиш, қонунчиликдаги ўзгаришларга оид ахборотлардан хабардор бўлиш имкониятларини кенгайтириш шунлар жумласидандир.

Иштирокчиларнинг фикрича, таълим муассасалари, чунончи, мактабгача таълим даргоҳлари, турли таъхилотлар, оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий маърифат масаласига эътиборни кучайтириш лозим.

Тадқиқот қатнашчиларининг ҳар икки нафаридан бири ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти характери, услуби ва шаклида ўзгаришлар кузатилаётганини қайд этиб ўтган. Қўллаб ҳудудлардаги ҳамюртларимиз, моддий, со-

қилиш органлари фаолиятига ижобий таъсир кўрсатаётган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини қўллаб-қувватламоқда. Демакки, юртдошларимиз билдираётган фикрлар давлат ҳокимиятини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ислохотлар билан ҳамоханглик касб этапти.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида С. ҚОСИМЖОНОВ тайёрлади.

Ер участкалари ажратишда коррупцияга йўл қўйилди. НЕГА?



Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 20 апрелдаги “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, шу йилнинг 1 июлидан эътиборан тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун бўш ер майдонларини “E-JRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончаси орқали сотиш тартиби жорий этилди.

Унга кўра, ер ҳақидаги маълумот сайтга joylashirilgach, 30 кун давомида харидорлар рўйхатдан ўтади ва ер белгиланган муддатда электрон аукционда сотилади. Бу тадбиркорларнинг бизнесига мос келадиган ер участкасини ортиқча расмийликларсиз, турли бюрократик тўсиқларсиз қўлга киритиш, асосийси, коррупциянинг олдини олиш имконини беради.

Яна бир муҳим ҳужжат — Президентимизнинг 2018 йил 11 сентябрдаги “Худудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор билан электрон аукциондаги 30 кунлик муддат 10 кунга қисқартирилди. Ўрни электрон аукционга қўйилган давлат мулки объектлари ва ер участкаларини тадбиркор 10 кунда сотиб олиши мумкин. Бу ҳам бизнес вакиллари учун катта имконият, аслида.

Лекин айрим мансабдор шахс ва фуқаролар ушбу қондаларни четлаб ўтиб, ўз манфаатлари йўлида қинғир ишларни амалга оширишга ҳаракат қилишаётгани ҳам бор гап.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг маълумотларига кўра, жорий йилнинг ўтган даврида ер майдонларини ноконуний йўл билан ўзлаштириш бўйича жами 156 та жиноят фош этилган. Шундан 61 таси уй-жой, 44 таси деҳқончилик ва томорка, 33 таси тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда 18 таси бошқа ҳолатлар билан боғлиқ. Жумладан, Хоразм вилоятида Урганч тумани ҳокимининг ўринбосари вазифасини бажарувчи Б. Абдиров ҳам пора олаётган вақтида ушланганлардан бири бўлди. У тумандаги қишлоқ муассаса, ташкилот ва фуқароларга қишлоқ ҳўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари танлаш (ажратиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси раиси ўринбосари лавозимда ҳам фаолият кўрсатаётган эди.

Аммо у мансабдор шахс бўла туриб, Урганч тумани, Қумраовот маҳалласида яшовчи фуқаро И. Алламовга қарашли 490 кв. метр тураржойга эгаллик ҳуқуқини белгилаш эвазига 5 млн. сўм пора талаб қилганини қандай изоҳлаш мумкин? И. Алламов эса пора бериш ҳам жиноят эканини англаган ҳолда, тегишли давлат органига мурожаат қилади. Натижада Б. Абдировнинг қинғир ишларига чек қўйилди.

Департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси томонидан аниқланган яна бир ҳолатда Хонқа туманидаги “Мавлуда Адибахов” фермер ҳўжалиги иш бошқарувчиси Б. Юлдашев раҳбарининг рухсатсиз, ҳўжаликка қарашли 8 гектар ер майдонини фуқаро Ш. Маматовга 27 млн. сўмга сотган вақтида қўлга олинган. Халқни тўғри йўлга бошлаш, маҳалладаги турли ҳўқуқбузарликлару коррупцияга қарши курашишда фуқаролар йиғинлари раислари ҳам масўл, аслида. Таажжубки, галдаги фош этилган жиноят юқориди саналган масўли-

ятли вазифаларга масўл бўлган маҳалла раиси билан бевосита боғлиқ.

Хива туманидаги “Қушчи каттабоғ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Д. Эржаев фуқаролар Р. Рўзметова ва М. Рўзметовага туман ҳокимлиги захирасидаги ер майдонидан ҳар бири 800 кв. метр бўлган фойдаланилмаг келинаётган 2 та тураржой ўрнини ажратиб беришни ваъда қилади. Иш мансабдор шахслар орқали ҳал қилиниши ҳисобига роппа-росса 10 минг АҚШ доллари ҳам сўраган. Келишилган пулнинг ярмини фирибгарлик йўли билан олган чоғида ушланган.

Шунингдек, Тошкент вилоятининг Бекобод туманида 12 гектар ерда балиқчилик ва 23 гектар ер майдонда сабзавотчилик билан шуғулланмоқчи бўлган фуқаро У. Рўзкулов ер



ажратиш масаласини ҳал қилишга киришди. У Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгаши раиси У. Норқўзиевга мурожаат қилади. Қонунчиликдан яхши хабардор бўлган раис Бекобод тумани ҳокими қарорини чиқариб бериш учун 7300 АҚШ доллари талаб этади. Фуқаро У. Рўзкулов эса пора беришга ошқимай, бу ҳақда тегишли ташкилотларга мурожаат қилди. Ҳўқбатда мўмай пул топишни қўзлаган раис Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва ДХТ Тошкент вилояти бошқармаси ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Кейинги ҳолат Қашқадарё вилоятида аниқланган. Гап шундаки, Ш. Тўрамуродов ва Т. Тожиев фуқаро А. Ражабовга Қарши шаҳридаги “Саройферон” МФЙ ҳудудидан 12 сотих ер майдонини танишлари орқали олиб беришни ваъда қилишади. Ушбу хизмат эвазига эса 25 млн. сўмлик маблағга эга бўлишни қўзлаган шерикларнинг қинғир ишларига чек қўйилди.

Ҳозирги кунда юқориди кўрсатилган барча коррупция ҳолатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилиб, терғов ҳаракатлари олиб боришмоқда. Зеро, жиноятга жазо муқаррар.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

«Ташаббус — 2018»

Энг илғорлар сараланди

Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун “Ташаббус — 2018” кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда 73 нафар кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъекти, фермерлар ва хўнармандлар қатнашди. Шунингдек, тадбиркорларнинг махсулотлари ва хизматлари кўргазмаси ташкил этилиб, уларга банк, лизинг амалиётлари бораида тушунча ҳамда тавсиялар берилди.

— 432 гектар ерда деҳқончилик қиламиз, — дейди “Энг яхши фермер” йўналиши ғолиби “G’uzor oq tulpor” фермер ҳўжалиги раҳбари Лутфулло Равшанов. — Йилқичилик, чорвачилик, асаларичилик ва богдорчилик тармоқларини ҳам йўлга қўйганмиз. Гўшт, сўт, асал ва мева-сабзавот махсулотларини ўзимизда қайта ишлаш учун Хитойдан ускуналар олиб келдик. Йил охирига қадар ушбу технология тўлиқ қувват билан ишлай бошлайди.

“Саноат соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори”, “Хизмат кўрсатиш соҳасида энг яхши тадбиркор”, “Энг яхши хўнарманд”,

“Энг яхши ёш тадбиркор” йўналишлари ғолибларига ҳам диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

Бу тадбирнинг Нукусда бўлиб ўтган Қорақалпоғистон Республикаси босқичида 79 нафар фермер, хўнарманд ва тадбиркор иштирок этиб, улар орасидан яқуний босқичда қатнашадиган илғорлар номлари аниқланди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, Худоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 12 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини халқ табобати вакиллари катта ҳурсандчилик билан қўлиб олишди. Ушбу муҳим ҳўжжат қадим-қадимдан ўз анъаналарига эга бўлган халқ табобатчилиги ривожини янада юқори поғонага олиб чиқишига шўбха йўқ.

Муносабат

Узоқ йиллардан буюн кимё фани билан шуғулланиб, юртимиз зами-нида Менделеев даврий жадвалидаги деярли барча кимёвий элемент мавжудлигига амин бўлди. Тоғу тошларда, дашту далаларда ҳали тиббиётга сир-асрорларини очмаган ўт-ўланлар, гиёҳлар, мўъжизавий илдиэлар қанчадан-қанча. Улар тез таъсир этиш жиҳатидан бугунги кунда замонавий қорхоналарда ишлаб чиқарилаётган фармацевтика воситалари ўрнини боса олмас, бироқ инсон саломатлигидидаги ўрни масаласида доривор гиёҳлар ва улар билан даволашнинг аҳамияти қарорда кўрсатилгани каби бекиёс.

Одам организмни 92 та кимёвий элемент ҳосил қилган мингдан ортик кимёвий бирикмалардан таркиб топган. Бирор кимёвий элемент бирикмасининг организмда етишмаслиги маълум бир касаллиқни келтириб чиқаради. Замонавий тиббиётда организмда етишмаган элементларни таркибда сақловчи кимёвий дори бирикмалари, халқ табобатида эса бирор мева, сабзавот, ўсимлик уруғи, гули ёки бошқа қисмидан тайёрланган дам-ламалар ичиш тавсия этилади.

Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, бугунги кундаги самарали дори-дармон воситаларининг яратилишига ҳам табибларнинг доривор гиёҳлар ва уларнинг инсон организмга таъсири бораидаги билимлари ҳамда тажрибалари қўл келган. Узоққа борма, тиб илми-



нинг султони ҳисобланган Абу Али ибн Сино изланишларига назар солсак, бунга амин бўламиз. Қолаверса, ота-боболаримизнинг бе-морнинг миждозидан келиб чиқиб таъхис қўйиш, даволаниш нечоғлиқ тўғри эканлигини энг илғор мамлакатлардаги тиббиётнинг пешқадам вакиллари, олим уламолари эндиликда эътироф этишмоқда. Назар қилиб, Абу Али ибн Сино, Абу Нар Форобий баъзи касалликларни му-сика ёрдамида даволаш мумкинли-гини исботлашган. Буларнинг бар-часи қадим ўзбек табобатида му-жассам бўлганини фахр билан айта оламиз.

Бундан ташқари, бугунги кунда халқ табобатида замонавий тиб-биёт усуллари билан даволаш му-раккаб ҳисобланган бош мия усма-си, фарзандсизлик, қанди диабет, бел чурраси каби қўллаб касаллиқ-лар содда даволаш усуллари ёрда-мида даволанаётгани эътиборга молик.

Халқ табобатида пажна орасидан қаралган вақтларда илм-маърифат-дан йироқ сохта табиблар қўлайди. Аммо буюк даҳолар Ватани бўлган юртимизда халқ табобатининг за-монавий илм-фанга, илғор қараш-ларга асосланиб ривожлантирили-ши маъзур ҳўжжатда ўз ифодасини топди. Эндиликда халқ табобати хизматлари кўрсатишни тартибга солувчи норматив-ҳўқуқий база яра-тилиб, табибларнинг ҳўқуқ ва маж-буриятлари аниқ бўлади. Уларнинг фаолиятига асосис аралашилар-га чек қўйилади. Халқ табобати аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш-нинг қўшимча усули сифатида эъти-роф этилди. Тармоқда хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятни лицен-зиялаш тиббий фаолиятни лицен-



Мамлакатимиздаги биринчи «ақлли шахар»

Президентимиз ўтган йили Тошкент вилоятига ташрифи чоғида шахар бош режаси билан танишиб, Нурафшон-ни мамлакатимиздаги би-ринчи “ақлли шахар”га ай-лантириш учун тавсиялар берган эди. Шундан келиб чиқиб, “Smart city” лойиҳаси дунёдаги йирки ва гўзал ша-ҳарлар, хусусан, Корея Рес-публикасидаги Сонгдо шаҳ-ри қурилиши тажрибаси инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилди. Унда янги технологиялар назарда ту-тилган, “экошаҳар” тизими эътиборга олинган, миллий анъаналаримизга ҳам кенг ўрин берилган.

Эскисидан янги шаҳарга-ча бўлган оралиқни масофа эмас, вақт ўлчайди, худуд-нинг кўринишини аҳолига яратилган қулайликлар бел-гилайди. Вақт бу қадар кўп эмас, атиги бир йил. Им-тиёзлар эса ҳар кунни ўз са-марасини намоён қилмоқда. Янги шаҳарнинг жадал сурь-атлар билан барпо этилаёт-ганлиги ўз-ўзидан манзил-нинг эски номини одамлар хотирасидан кўтарди.

— Замонавий мегаполис-га айланаётган шаҳримиз то-бора гўзаллашиб бормоқда, — дейди Нурафшон шаҳри ҳокими Усмон Раҳимов. — Режаларимиз жуда катта. Бу ерда тез орада муҳташам ишшоотлар, қўрқам турар-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари, сўлим бог ва ҳиёбонлар барпо этилади. Шаҳар марказидан оқиб ўта-диган анҳор бўйида эса аҳолининг ҳордиқ чиқариши учун барча қулайлик ярати-лади. Олдимизда турган бош мақсадимиз шаҳримизнинг 43 мингдан ортик аҳолиси ҳаётини янада фаровонлаш-тиришдир.

Бугун шаҳар марказий кўчаси атрофида жойлашган пасткам уйлар ўрнида етти қаватли тураржой бинола-ри қад ростлади. Яқиндаги-на ана шундай уйларнинг тўрттаси фойдаланишга топ-

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сўрталар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ТАБОБАТИ ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШДА РИВОЖЛАНАДИ

зиялаш учун белгиланган тартибда (тиббий таълим маълумоти мавжуд-лиги талаби бундан мустасно) амалга ошириладиган бўлди.

Халқ табобати усулларидан фой-даланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва мутахас-сислар, уларнинг иш тажрибаси, кўрсатадиган хизмат турлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ягона маълумотлар базаси-нинг шакллантирилиши, айниқса, аҳолига янада қулай бўлади. Унга биноан, одамлар эндиликда ўзла-ри хизматидан фойдаланмоқчи бўлган табиини тез ва осон топи-ши, фаолият қўлагига доир зарур маълумотларга бир зумда эга бўли-ши мумкин.


Шу билан бирга, ҳўжжатда та-библарнинг бурч ва мажбуриятла-ри ҳам белгилаб қўйилди. Хусусан, эндиликда халқ табобати усуллари-дан фойдаланган ҳолда тиббий хиз-мат кўрсатувчи шахслар ўз фаоли-ятининг натижалари бўйича тиб-биёт ходимлари учун қонун ҳўжат-ларида назарда тутилган ҳажмида жавобгар ҳисобланади. Тиббий хиз-

мат кўрсатишга нисбатан қўйилган талаблар халқ табобати усуллари-дан фойдаланган ҳолда тиббий хиз-мат кўрсатиш билан шуғулланадиган шахсларга ҳам татбиқ этилади.

Қарорда соҳада қадрлар тайёр-лаш ва уларнинг малакасини оши-риш масаласига ҳам алоҳида эъти-бор қаратилган. Унга мувофиқ, рес-публика тиббиёт олий ўқув юртли-рининг “Даволаш иши”, “Педиатрия иши”, “Тиббиёт-педагогика иши” бакалаврият йўналишларидаги ўқув дастурларига халқ табобати бўйи-ча махсус ўқув циклини жорий этиш, Тошкент врачлар малакасини оши-риш институтида халқ табобати ка-федраси ва “Халқ табобати” йўна-лиши бўйича малака ошириш курси-ни ташкил қилиш қўзда тутилмоқда.

Соҳада етук мутахассислар тай-ёрлаш мақсадида халқроқ ҳамкор-лиқни кенгайтириш бўйича ҳам кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилади. Жумладан, махсус ти-зим асосида табиблар энди чет эл-ларда билим ва тажрибаларини янада бойитиб қайтадилар.

Иброҳим АСҚАРОВ, Ўзбекистон Тиббий илмий фаолият билан шуғулланувчилар «Табобат» академияси раиси, кимё фанлари доктори, профессор.



“Авваламбор — тинчлик”. Чингиз Айтматов мақолаларидан бири шундай номланган эди. “Биз ҳамжихатликда қандай яшашни билишимиз лозим...” мақоласида ёзганидек, “ҳозир нима ҳақида сўз кетмасин, фикр алмашувларда қайси мавзу кўтарилмасин, ҳозирги замон, дунё ҳамжамияти ҳаётининг энг муҳим, хатарли масаласи — уруш ва тинчлик масаласига бориб тақалади”.

Адиб бир мақоласида болаларнинг бебошликлари, жанжал-тўполонларидан газабланган бир кампирнинг “Уруш кўрмагачисизларда, кўрганларингда бундай ҳақдиларингдан ошмасдинглар!” — деган хитобини эшитиб, қаттиқ таъсирланганини биттанди: “Наҳотки, нормал одам бўлиш учун уруш даҳшатини бошдан кечириб керак? Бундай ҳоллар инсоният тарихида кўп бўлган-ку. Болаларча касаллиқми бу? Бўлса яна қанча давом этар экан?”

“Учиб кетаётган қушлар гала-сига хайр-маъзур” номли публицистик мақола, интервью, мулоқотлардан иборат тўплами бошдан оёқ тинчлик масаласига бағишланган. Бунинг учун китобдаги мақола, суҳбатлари сарлавҳаларига эътибор қаратишнинг ўзи кифоя: “Заминда янгила яшаш хабарлари”, “Биз ҳамжихатликда қандай яшашни билишимиз лозим”, “Китобсиз инсоният ўзлигини йўқотди”, “Виртуал роман ёзма-сам керак”, “Эътиқодим — янги асрга назар ташлаш”, “Инсоният ҳозирча аванс билан яшамокда”, “Уруш фақат Афғонистонда кетяпти деб ўйланганлар адашди”, “Самара — авлодларга”, “Асрни қаритган урушлар ёки маданиятларнинг узилган мулоқоти”, “Бугунги кунда БМТга мубокиб йўқ”, “Биз этник худбинлиқни енгитишимиз керак”, “Фожиа фалсафаси” ва бошқа номлар ушбу китобнинг мазмун-муҳиятини ташкил этади.

Чингиз Айтматовнинг “Вена учрашуви. Тинчлик ҳақида суҳбатлар” номи остида ўтган конференциядаги нутқи “Европа билан янги гуманитар асрга” сарлавҳаси остида матбуотда босилган ва китобга кирган эди. Ушбу форумда сўбасат, фан, маданият, адабиётнинг таниқли намояндалари



ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Жасоратга йўғрилган сатрлар

Европанинг тарихи, бугунги кун ва келажаги масаласида фикр юритишганди. Айтматов мақоласи — китъа портретининг ўзига хос чизгилари эди.

Уруш ва тинчлик нималигини биладиган Европа, китъа ҳаёти, тирикчилигининг энг муҳим томонлари, Ғарб ва Шарқ ҳамкорлиги, этник-диний зиддиятлар, бухронлар жараёнидаги, жамият тараққиёти конфликт-келишув концепциясидаги роли, ҳозирги шароитда оммавий ахборот воситалари ўрни, вазифаси — бу ва бошқа масалаларни кўтарди публицист мақоласида.

“Биз ҳамжихатликда қандай яшашни билишимиз лозим...” мақоласини аввалги публицистик мақолаларининг мантиқий давоми дейиш мумкин. БМТ шафелигида ўтган конференцияларнинг бирида сўзлаган нутқи асос бўлганди. Публицист уруш ва

зан ақлга сизмайдиган йўллар-усуллар қўллаётганлиги гуманист адибни қаттиқ ўйлантиради, ташвишга солади. АҚШда 11 сентябрда рўй берган фожиаги воқеалар жон-жаҳди билан этник, диний-устунлиқка эришишга уринишдек нодонларча, бемаъни ғоялар, фанатизм, алмисокдан қолган эски нормалар, фашистлик ҳаёт тарзини тикштириш, ўтказишга вас-васаларча уриниб, бу йўлда энг даҳшатли усуллардан қайтмаслигини кўрсатди. Ачинарлиси, ёшлар, ҳатто болаларнинг муайян қисми бу хатарли таълимот таъсирига тушди. Айтганларига мисол тариқасида Марказий Осиё худудининг ҳаёт даражаси паст, ишсизлик, камбағаллик ҳукм сураётган, бозор иқтисодиёти қомига тушган жойларини тилга олади. Яна бир муаммо жойларда ва хориҳдаги пуллик ўқиш, қашшоқ мамлакат болаларининг профессионал билим олишга қурби этмаслиги. Бу борада адиб ЮНЕСКОнинг ўша пайтдаги раҳбари Коичиро Мацурунинг жўяли таълиқларини қўллаб-қувватлайди, “ҳозирги замонда ўқиш, ёзиш, ҳисоблашнинг ўзигина камлик қилади, — таъкидлайди публицист. — Умуминсоний қадриятларни ўрганиш, билиш, ҳурмат

Ғарб билан, Ғарбни Шарқ, Шимолни Жануб билан туташтирувчи, бағридан Буюк Ипак йўли ўтган Марказий Осиё худудига ҳамкасблари, тингловчилари, ўқувчилари диққатини яна бир бор жалб қилади, ЮНЕСКОнинг 6 жилдлик “Марказий Осиё цивилизацияси тарихи” нашрини қизгин қўлайди, “Маданиятлараро ва худудлараро мулоқотнинг бир қисми” мавзусида Бишкекда ўтган давра суҳбати натижаларидан мамнун бўлади, “Марказий Осиё ва жохон маданияти” журнали йўналишини белгиллаб, турли халқларнинг дини, тили, анъаналарини синчиклаб ва эҳтиёт бўлиб ўрганишга, диалогга, динлар товулигига даъват этади.

“Бугунги кунда ЮНЕСКОнинг бош мақсади инсонга чуқур ўйла-масдан тез хулоса чиқаришдан сақлайдиган мўлжал кўрсатиш-шар”, — дея ёзади публицист ўз мақоласида. ЮНЕСКО асосчилари бу йўлни ташкилот уставида “одамлар онгига тинчлик ғоясини мустаҳкамлаш” деб кўрсатиб қўйишган.

Мақола сўнгига халқро терроризмга лўнда баҳо берилади: “Халқро терроризм жохон ҳам-жамиятига уруш эълон қилди. Бу

маданий одамзодга рўй-рост қарши чиқидир. Лекин бу жангда ғолиб бўлиш қийин, зарбага қарши зарба берилади. Терроризм — инсониятнинг ташқи душмани эмас. Терроризм — инсон онгининг даволаш керак бўлган касаллиги. Бунга қобил, қодир ташкилотлардан бири ЮНЕСКОдир”.

“Тинчлик ва тотувлик жамият тараққиёти асоси” халқ форумидаги нутқи-мақоласи сайёравий тафаккур кенглиги ва юксаклигидан туриб айтилган, ёзилгандир. Ғарчанд мақолада ота юрти Қирғизистонга оид айрим масалалар тилга олинган эса-да, адибнинг ўй-фикрлари, ташвиш-хавотирлари Марказий Осиё худудининг бошқа мамлакатларига ҳам дахлдордир. Масалан, публицист ўз мамлакатаи халқини шимолликлар ва жанубликлар дея ажратиб қаралишига қатъян қарши, бу нарса, афсуски, баъзида муҳолифатдагилар учун ҳам, муҳолифатда турмаганлар учун ҳам бош ўлговлардан бирига айланади. Шимол ва Жанубга урғу беришчи адиб ватандошлари учун қатта хавфлардан бири, деб билади.

“Инсоният ҳозирча аванс билан яшамокда” номи остида Элла Тарановага берган интервьюсида, адиб тан олишича, “асримизнинг энг буюк драмасыни бадийий ўзлаштириш кейинроқ кечади. Ҳозир газетачилик, телерепортерлар даври. Файласуфлар, қатта адабиёт ўз сўзини эртага айтади”.

Чингиз Айтматов публицистикаси ахамияти жиҳатидан ғоят салмоқли. Тарихий воқеалар, қайта қуриш, ошқоралик, демократия, ўзлик, онг ўсиши даврлари, экологик ҳаракатнинг кенгайиши, СССРнинг тарқалиши, собиқ иттифодқош республикаларнинг мустақиллиқни қўлга киритиши, миллатлараро, этник зиддиятлар, ички қарама-қаршилиқлар, тинчлик ва ҳамжихатлик йўлидаги ютуқлар ва мағлубиятлар, қуролланиш, уруш оловини ёқишга қарши қурашлар, нарко-бизнес, терроризм, “оммавий маданият” хатарлари, глобаллашув, ахборий портлашлар, янги-ча тафаккур йиллари кенг таҳлил этилган ушбу ижод маҳсуллари ўқувчини мушоҳада қилишга, хулоса чиқаришга ундайди.

Сайди УМИРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси.

Саломатлик

«Тошкент шаҳар спартакиадаси» бошланди

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ташаббуси билан илк маротаба ташкил этилган ушбу мусобақада туман босқичларидан сараланган 2 минг 211 нафар ёш спортчи қатнашиб, ўз маҳоратини намойиш қилади.

Беллашувлар спортнинг бокс, бадминтон, гандбол, кураш, волейбол, шахмат, сузмиш сингари 18 тури бўйича жами 664 та медал учун кечади.

— Мазкур спартакиададан кўзланган мақсад ёшларда спортга бўлган қизиқишни ошириш, иқтидорларни саралаб олиш, уларда профессионал маҳорат ва кўникмаларни ривожлантириш ҳамда терма жамоалар захирасига муносиб спортчиларни тайёрлашдан иборатдир, — дей-

ди Тошкент шаҳар Жисмоний тарбия ва спорт босқармаси оммавий спортни ривожлантириш бўлими мутахассиси Азимжон Султонов. — Бу эса, ўз навбатида, жамиятда соғлом турмуш тарзи таъминлашнинг қарор топтириш, навқирон авлоднинг жисмонан бақувват, маънан етук бўлиб камол топишига хизмат қилади.

“Тошкент шаҳар спартакиадаси” 18 ноябргача давом этади.

Инновацион клиника

Унинг бошқа тиббиёт муассасаларидан фарқи нимада?

Пойтахтимизда инновацион клиника иш бошлади. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорлиқни йўлга қўйган мазкур муассасада, асосан, кўз тўрларда касаллиқларини ташхислаш ва даволашнинг янги технологияларини қўллаш орқали микроинвазив жарроҳлик амалиётлари ўтказилади.

Қолаверса, нейрожарроҳлик, ортопедия, сомнология, умуртқа касалликлари, пластик операция ҳамда юрак хуружидан кейинги беморларнинг реабилитацияси бўйича аҳолига тиббий хизмат кўрсатилади.

— Клиникамизнинг бошқа тиббиёт муассасаларидан фарқи шундаки, бу ерда илк маротаба дори воситаларидан фойдаланилмаган ҳолда, компьютер биобшқармаси ёрдамида нейрофизиологик реабилитация усули жорий этилди, — дейди унинг асосчиси ва раҳбари Зулфия Мақсудова. — Бунда организмдаги функционал бузилишлар аниқланиб, бемор стресс ҳолатидан чиқарилади, нутқи тикланади, тунги энурез ва шу сингари бошқа салбий ҳолатларга барҳам берилади. Бундан ташқари, ушбу клиника юртимиздаги тиббиёт олий ўқув юрлари талабалари учун инновацион тиббиёт технологияларини ўргатиш учун ҳам илмий-амалий платформа вазифасини бажаради.

Муҳаммаджон АҲМАДЖОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Бўлғуси келин-куёвлар

МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Пойтахтимизда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида “Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби” очилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, тренерлар, ёш келин-куёвлар, журналистлар қатнашди. Юртимизда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, янги инновацион мактаб ҳам мустаҳкам ва намунали оилаларнинг қўлайлишига хизмат қилиши таъкидланди.

Янгилик

Тантанали тадбирдан сўнг оила қуриш оstonасидаги 15 жуфт йигит-қиз учун биринчи дарс ўтказилди.

— Яқинда бўлғуси турмуш ўртоғин билан бирга Шайхонтохур туманидаги ФХДБ бўлимига никоҳ тузиш мақсадида ариза топширгандик, — дейди Саидазизхўжа Саидхўжаев. — Оила қуриш арафасида турган ёшлар учун йўл-йўриқ кўрсатиш, уларга ҳар хил низоли вазиятларда тўғри қарор чиқариш учун қўмак бериш мақсадида ташкил қилинган ушбу инновацион мактабга тингловчи сифатида тақлиф қилинганимиздан хурсандимиз. Илк ўқув-машғулотда қатнашдик. Тўғриси, дарс жуда қизиқарли ва фойдали бўлди. Малакали психолог ва тренер Венера Эрматова ҳар бир ўшинг туйғуларини ҳис қилган ҳолда, оилани мустаҳкамловчи омиллarga бағишланган дарсни замонавий психологик тренинглари асосида ўтди.

Инновацион мактабда мавжуд анъанавий мактаблардан фарқли равишда нафақат жуфтликларнинг ўзини ўқитиш, балки яққа ҳолда мутахассисларнинг маслаҳатлари бўйича хизматлар, муайян мавзулар бўйича гуруҳларда тренинглари ўтиш

(масалан, бўлажак келинлар учун аёллик психологияси, гўзаллик психологияси, севиқли бўлиш санъати; ўғил болалар учун андролог ҳамда уролог маслаҳатлари ва ҳоказо) йўлга қўйлади. “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан қизлар учун ишлаб чиқилган “Оила сабоқлари” мобиле иловаси, келин-куёвлар учун илк бор тайёрланган “Мустаҳкам оилага йўлланма” ён дафтарчалари ҳам ёшлар келажати учун алоҳида аҳамиятга эга.

Келгусида мактаб битирувчилари орасидан олган қўлаб, турмушини йўлга қўйган, ушбу ўқувнинг фойдасини англаган битирувчилар сараланиб, тренерлик маҳорати бўйича тренинглари ташкил қилинади ва “Тенгдош — тенгдошга” тамойили асосида фаолият юритадиган волонтер-тренерлар жамоаси шакллантирилади.

Тадбирда бўлғуси келин-куёвларга Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан оилавий ҳаёт асосларини ўргатишга бағишланган илмий ва бадий адабиётлар тўплами совға қилинди.

Дилшод КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРALAR ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ХОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 4 АВГУСТДАН 10 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қозғолар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2018 йил 9 июлдаги 2018-06-сон “Қимматли қозғолар ҳосилаларини чиқариш ва муомалада бўлиши тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2018 йил 6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 320-4. (2018 йил 7 августдан қучга кирди).

2. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 11 июлдаги 2-мх, 37-сон “Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низоимнинг 11-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3012-1. (2018 йил 8 августдан қучга кирди).

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Автомобил йўллари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Автомобиль транспорти агентлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2018 йил 17 июлдаги 40, 40, 253, 1/210, к-14-сон “Ногиронлиги бўлган шахслар автотранспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низоимни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3048. (2018 йил 9 ноябрдан қучга кирди).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмақлашнинг ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 26 июлдаги 332-В-3, 113, 25, 01/16-1-10/30-сон “Тижорат банклари балансидида турган алоҳида объектларини сотиш тартиби тўғрисидаги низоимни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қарори.

2018 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2589-3. (2018 йил 8 августдан қучга кирди).

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 7 августдаги 407-мх-сон “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоимни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

2018 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3049. (2018 йил 8 августдан қучга кирди).

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 9 июлдаги 104, 2018-58-сон “Электр энергиясини сотишни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низоимни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”-ги қарори.

Хабар

2018 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2127-3. (2018 йил 10 августдан қучга кирди).

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 13 июлдаги 39, 31-қ/қ, 50, 34, 14-2018-сон “Психиатрия муассасаларини ўз жониға қасд қилиш ҳаракатлари тўғрисида мажбурий равишда хабардор этиш тартиби ҳақидаги низоимни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.

2018 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3050. (2018 йил 10 августдан қучга кирди).

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 14 июлдаги 24/7-сон “Ўзбекистон Республикаси банкларига очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-15. (2018 йил 10 августдан қучга кирди).

9. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 20 июлдаги 11-мх-сон “Спортчи” лавозимига қўйиладиган талаблар, уларга ойлик иш ҳақи ва устамалар белгиллаш тўғрисидаги низоимни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

2018 йил 10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3051. (2018 йил 11 августдан қучга кирди).

10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 10 августдаги 412-мх-сон “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисидаги низоимни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруқни, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз қучини йўқотган деб топил ҳақида”ги буйруғи.

2018 йил 10 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2272-3. (2018 йил 13 августдан қучга кирди).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисидаги низоимни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 2272, 2011 йил 30 сентябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2272-1, 2012 йил 2 март), (рўйхат рақами 2272-2, 2016 йил 26 декабрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 10 августдаги 412-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Халқ сўзи

Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва мустақилга қайтарилмайди.

Газетанинг мустақил берилиши учун обунани расмийлаштириш таъкилот жаобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” напирёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.

Навбатчи — Д. Солиқов.

Мусахҳих — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.50 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6